

**БИОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎЛИДАГИ ВАЗИФАЛАР**

*б.ф.н., доцент **M. Жумашев***

Астрахань давлат техника университети

Тошкент вилояти филиали;

*Ассистент, **C. Рахимова***

Астрахань давлат техника университети

Тошкент вилояти филиали;

*Студент, **C. Ортиқхужаева***

Астрахань давлат техника университети

Тошкент вилояти филиали.

Ушбу мақолада биология ўқитувчисининг компетенцияларини ривожлантиришдаги муаммолар, уларнинг ечимлар ҳамда бу борадаги вазифалар тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўз ва иборалар: компетенциявий ёндашув, касбий ва ижтимоий-психологик мослашув, педагогик ва ахборот технологиялар, билим, малака, кўнишка, фан-техника, компьютер, электрон воситалар, Интернет ва б.к.лар.

В данной статье рассматриваются проблемы развития компетенций учителя биологии, пути их решения и задачи.

Ключевые слова и фразы: компетентностный подход, профессиональная и социально-психологическая адаптация, педагогические и информационные технологии, знания, умения, наука и техника, компьютер, электронные средства, Интернет и др.

This article discusses the problems in the development of biology teacher's competencies, their solutions, and tasks in this regard.

Key words and phrases: competence approach, professional and socio-psychological adaptation, pedagogical and information technologies, knowledge, skills, science and technology, computer, electronic tools, Internet, etc.

Бугунги кунда касбий маҳоратли педагогларни жумладан, биология фани ўқитувчиларини тайёрлаш, компетенциявий ёндашувлар шароитида уларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, касбий ва ижтимоий-психологик мослашувини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Бу нафақат таълим тизимидағи муаммоларни, балки компетенциявий ёндашувлар асосида биология фани ўқитувчиларининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантириш, уларни амалиётга жорий этиш ҳамда бу соҳада мавжуд муаммоларни олдиндан кўриш ва уларни ҳал этишни назарда тутади.

Таҳлиллар, бугунги кунда биология ўқитувчисининг компетенцияларини ривожлантиришда қатор муаммолар борлигини кўрсатади, яъни: биология фанидан ўқитувчиларининг касбий-педагогик тайёргарлиги, таълимнинг мазмуни, методи, замонавий воситаларини билишда талаб этиладиган билим ва кўникмаларининг талаб даражасида эмаслиги; олий таълим муассасалари (ОТМ)да биология фани ўқув дастури ва режасидаги мавзуларни интеграциялашнинг бу фаолиятни ташкил этиш жараёнида ҳаётий кўникмаларни эгаллашга имкон берувчи асосий турлари етарлича амалга оширилмаганлиги ва бошқалар.

ОТМлари ўқув жараёнининг таҳлили, биология ўқитувчилари билан ўтказилган сұхбатлар ҳамда анкета сўровлари натижаси шуни кўрсатдик, ҳозирги уларнинг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиришда яна бошқа бир қатор муаммолар ҳам мавжуд:

- биология ўқитувчиларининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантиришда уларнинг билим бериш ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларининг этишмаслиги; ҳозирда фан-техника тараққиётининг,

- ишлаб чиқаришнинг тез ривожланаётганлиги сабабли ахборотларнинг кўпайиб бораётганлиги ва уларни талabalарга етказиш учун вақтнинг чегаралангандиги;

- биология ўқитувчилари учун ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича янги авлод ўқув-методик адабиётларининг камлиги;

- биология ўқитувчиларининг компетенцияларини ривожлантиришда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш шакллари, усуллари ва воситалар инновацион услубларда зарурий даражада қўлланилмаётганлиги;

- биология ўқитувчиларининг компетенцияларини ривожлантириш ҳамда ўқув жараёнининг ўқув-услубий таъминотини яратишга оид илмий-услубий тадқиқот ишларининг олиб борилмаётганлиги ва бошқалар.

Шунинг учун компетенциявий ёндашув асосида биология ўқитувчисининг компетенцияларини, яъни:

- назарий ва амалий билимларга эгалик; ўқитишнинг метод, шакл ва воситаларини танлай олиш ва улардан амалиётда самарали фойдалана олиш;

- машғулотни режалаштириш ва мақсадларини аниқлаштира олиш; ўқув материали мазмунини танлаш ва машғулот структурасини мослай олиш; босқичлараро боғланишни амалга ошира олиш;

- таълим мазмунини ажрата олиш; аналитик фикрлай олиш;

- машғулот натижаларини олдиндан кўра олиш кабиларни ривожлантириш жараёнини лойиҳалаш ва уни амалга оширишга етарли эътибор қаратиш лозим, жумладан:

- бу жараёнга илмий-амалий жиҳатдан ёндашиш;

- улардан фойдаланиш масалаларига биология ўқитувчилари эътиборини кучайтириш;
- биология ўқитувчиларини холисона рағбатлантириш усулларини такомиллаштириш;
- биология ўқитувчиларини имкон даражасида илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш;
- замонавий педагогик технологиялар асосида уларнинг самарали компетенцияларини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Демак, биология фани ўқитувчисининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантириш долзарб муаммолардан биридир.

Бугунги кунда барча ОТМларида таълим сифатини ошириш асосий талабларидан бири бўлиб, тиббиёт йўналишидаги ОТМларида компетенциявий ёндашувларга таянган ҳолда биология ўқитувчисининг компетенцияларини ривожлантиришни ташкил этиш, уни такомиллаштиришнинг усулларини аниқлаш, янги шароитларга мувофиқлаштириш ва амалиётга жорий этиш вазифаларини белгилайди.

Биология ўқитувчисининг компетенцияларини ривожлантиришда дастлаб, кўзланган мақсадларга эришишда истиқбол мақсад ва имкониятларни ўқитувчилар манфаати билан уйғунлаштириш, уни замонавий ўзгаришларга мослаб бориш, истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда таълим жараёнига жорий қилиш мухим. Бу ўз навбатида, мақсадга эришишда, ривожланишга таъсир этувчи омилларни олдиндан таҳлил қилиш, янги ғоялар ва уларни амалга оширишда зарурий компетенцияларни талаб қиласди.

ОТМларида биология ўқитувчиларининг компетенцияларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларда ўқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш, бунда фан-техника ютуқларига асосланган самарали метод, шакл ва воситалардан фойдаланиш, бу йўналишда билим ва касбий сифатларни тақозо этади.

Биология ўқитувчисининг компетенцияларини ривожлантиришга кўп омиллар салбий таъсир этади: жумладан:

- ОТМларининг компьютерлар ва электрон воситалар билан таъминланганлик даражасининг пастлиги;
- уларнинг Интернет тармоқларига тўлиқ уланмаганлиги;
- илмий-услубий манбаларнинг етарли эмаслиги (электрон кўлланма, лаборатория ишлари ва тестлар);
- ўқитувчиларнинг замонавий компьютер техникаси бўйича малакасининг этишмаслиги ва бошқалар.

Бундай муаммоларни бартараф этиш учун:

- Интернет тармоғи орқали анжуман ва семинарлар ташкил этиш;
- ОТМларида мультимедиа хоналари, лабораториялар сонини кўпайтириш;
- электрон ўқув воситаларидан фойдаланиш соатлари микдорини кўпайтириш;
- биология ўқитувчилари билан замонавий ахборот технологиялари ҳақида кўпроқ суҳбатлар олиб бориш зарур.

Мазкур тадбирларнинг ўтказилиши, нафақат биология ўқитувчиларининг турли даражадаги компетенцияларини ривожлантириш сифатини оширади, балки уларнинг билимларининг оммалашувига ҳам эришилади.

Шундай қилиб, ОТМларида биология ўқитувчиларининг компетенцияларини ривожлантириш механизmlарини такомиллаштириш муаммолари ва вазифаларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, шунингдек муаммоларни бартараф этиш ҳамда вазифаларни бажариш асосида аввалдан дарсларни лойиҳалаштириб олиш мумкин. Бу компетенцияларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ОТМлари биология фани ўқитувчиларининг компетенцияларини ривожлантиришнинг метод ва технологияларини такомиллаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш асосий вазифалардан бири бўлиб, ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Лекин бу борада бартараф этилиши лозим бўлган **муаммолар ҳам мавжуд**. Жумладан, ўқитувчиларнинг ушбу компетенцияларини ривожлантириш борасидаги муаммоларнинг илмий асосда ишлаб чиқилмаганлиги, улар билимининг давлат талаблари даражасида бўлишини янада такомиллаштириш зарурати, ушбу компетенцияларни ривожлантириш бўйича янги талабларни яратиш лозимлиги ва бошқалар.

Юқорида таъкидланган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- биология фани ўқитувчиларининг компетенцияларини ривожлантиришда замонавий ўқитиши технологияларидан фойдаланиш масаласининг бугунги аҳволини таҳлил қилиш, улар самарадорлигига эришиш тамойилларини аниқлаш;
- мазкур технологиялардан фойдаланишга қаратилган методик шакл ва усулларнинг мазкур жараён самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини илмий асослаш, улардан фойдаланиш асосида биология фани ўқитувчиларининг мазкур компетенцияларини ривожлантирувчи турли методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- биология фани ўқитувчиларининг компетенцияларини ривожлантиришга қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқиш;

- биология фани ўқитувчиларининг компетенцияларини ривожлантиришга омил бўлувчи методик шарт-шароитларни яратиш, бу борада педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган турли шакл, усул, воситаларни амалиётга жорий этиш ва бошқалар.

Янгиланган биология таълими мазмунининг ҳаётда тўлақонли ўрнини топиб, кутилган натижаларни бериши учун тажриба-синовдан ўтказилиши, унинг натижалари асосида такомиллаштирилиши, ундан кейингина амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун биология ўқитувчиси ҳар бир машғулот мавзусини оқилона ташкил этиш, ўқув дастури ва талабалар ёши ва қизиқишига мослигини таъминлаш, улар томонидан ўзлаштириш даражаси ва сифат кўрсаткичи, ўзлаштиришдаги қийинчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича хulosалар чиқаришни ўрганиб чиқиш муҳим.

Шунингдек, эндиликда янгиланган таълим мазмунига монанд биология ўқитувчиларининг компетенцияларини ривожлантириш метод ва технологияларини такомиллаштириш, ўқув жараёнига замонавий технологияларни олиб кириш, талабаларнинг ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга қўйиладиган минимал талаблар, намунавий назорат материаллари, мазкур муаммолар юзасидан ОТМларини методик тавсия ва қўлланмалар, дидактик материаллар билан таъминлаш долзарб вазифа эканлигига эътибор қаратиш лозим.

Шундай экан, биология фани ўқитувчисининг компетенцияларини ривожлантириш, ОТМларининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Чунки, ушбу муаммоларни бартараф этиш, биология ўқитувчиларига, уларнинг педагогик қобилиятига, ўқув жараёнини самарали ташкил эта олишларига боғлиқ.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этишда педагогик шарт-шароитлар етарли таъминланмаганлиги, зарур методик қўлланма, тавсия, машғулот ишланмалари, дидактик материалларнинг камлиги бу соҳада биология ўқитувчиларига муаммо туғдираётганини инобатта олиб, ўқув жараёни самарадорлигига эришиш муаммосига илмий жиҳатдан тизимли, технологик ва компетенциявий ёндашувларни амалга ошириш билан унинг самарали фаолият кўрасатиши учун зарур методик тизимни ишлаб чиқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. - Т.: “Фан ва технология” нашриёти, -2013.
2. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. -М.: -1998. -178 с.
3. Мавлянов А. Ўқув мақсадларини топшириқларга айлантириш - ўқув машғулотларини лойиҳалашнинг асоси сифатида//ОЎМКХТ ривожлантириш тажрибаси ва ил.-наз. асоси: Респ. ил.-амалий конф. материаллари.-Тошкент: ОЎМКХТРМ, 2010. –Б. 69-71.